

Икки пайғамбар оралиғидаги давр



14:00 / 14.07.2019 3198

Арабистон яримороли Исмоил алайҳиссаломдан кейин узоқ муддат илоҳий таълимотлардан кесилиб қолган эди. Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом пайғамбар қилиб юборилгунларича илоҳий таълимотлар бўлмаган. Бу пайтга келиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло илоҳий таълимотларни нафақат Арабистон яриморолидан, балки бутун дунёдан кесиб қўйган эди. У Зот Ийсо алайҳиссаломни осмонга кўтариб олганидан сўнг милодий 610 йилгача, ҳижратдан аввалги 13 йилгача бўлган муддат «фатрат замони» дейилади. Бу «пайғамбарлик кесилган муддат» деганидир.

Бу орада кишилик жамияти ниҳоятда пала-партиш ҳолатга келди. Кишиларда пайғамбарларга бўлган эҳтиёж кучайди. Инсониятни хатолардан қайтариш ва тўғри йўлга бошлаш зарур эди. Хусусан, самовий динлар бузиб юборилгандан кейин бунинг аҳамияти яна ҳам ошиб кетди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунинг учун ҳам бутун инсониятга ҳидоятчи расул қилиб юборилдилар.

Исломдан олдинги қадимги тарихни қисқача ифодалайдиган бўлсак, Аллоҳ таоло башариятни яратди. Уларга пайғамбарлар юбориб, Ўзининг ибодатига чақирди, ер юзида шариатининг қоим бўлишини ирода қилди. Одам алайҳиссалом биринчи башар бўлишлари билан бирга, биринчи набий ҳам эдилар.

Кетма-кет бир қанча тамаддунлар, бирин-кетин набийлар ва расуллар келди. Энг қадимги тамаддун Ироқда, Мисрда, Шомда, Арабистон яриморолида юзага келди.

Сумарийлар, аккодийлар, ийломийлар, бобилийлар, ошурийлар ва калдонийлар тамаддунлари Ироқнинг энг муҳим тамаддунларидан саналади.

Ушбу юртларнинг набийлари эса Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом ва Юнус алайҳиссаломлардир.

Аммурийлар, финикийлар, канъонийлар, оромийлар, сўнг анботлар ва тадмурийлар, улардан кейин ғассонийлар ва мунзирийлар тамаддунлари Шом ўлкасининг энг аҳамиятли тамаддунлари ҳисобланади.

Шом юртларида яшаб ўтган расул ва набийларнинг баъзиларини эслаб ўтамиз: Лут, Исҳоқ, Яъқуб, Айюб, Ал-Ясаъ, Илёс, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё ва Ийсо алайҳимуссалом. Улар Бану Исроил қабиласидан бўлиб, ҳаммалари ўша Бану Исроилга ва бошқаларга ҳам пайғамбар қилиб юборилганлар.

Мисрда эса фиръавнлар тамаддуни, шунингдек, Ҳиксус (Гиксос) тамаддуни ҳам вужудга келди.

Юсуф ва Мусо алайҳимассалом Миср набийларидандир.

Арабистон яриморолида Од, Самуд, Мадян аҳли каби қавмлар яшаб ўтишди. Яман тамаддунида Маъин, Сабаъ, Ҳимяр ва Қитбон каби қабилалар, Маъриб тўғони барбод бўлганидан кейин эса ҳижрат қилган қабилалар машҳур бўлишди. Сўнг у ерда ҳабашлар ва Исмоил алайҳиссаломнинг зурриётлари ҳукмронлик қилишди.

Арабистон яриморолининг набийлари Ҳуд, Солиҳ, Шуайб ва Исмоил алайҳимуссаломдир.

Шунингдек, ер юзида бошқа тамаддунлар ҳам пайдо бўлиб, ўз ҳукмини ўрнатган. Форслар, қадимги юнонлар ва румликлар шулар жумласидандир.

хулоса

Юқоридаги сатрларда инсоният яратилганидан буён босиб ўтилган тарихий йўлни қисқача ўрганиб чиққан бўлдик. Ўрганганда ҳам, тахмин ва фаразлар асосида эмас, шу дунёни яратган Зот – Аллоҳ таолонинг китоби Қуръони Карим асосида, У Зотнинг энг маҳбуб ва афзал бандаси – пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, иймон-эътиқод асосида, бир оғиз ҳам ёлғон гапирмаган мўмин бандаларнинг кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитганлари ва ўтган умматларнинг вакиллари келтирган хабарлар асосида билиб олдик.

Хулоса қиладиган бўлсак, қадимги тарих инсониятнинг гултожи бўлмиш пайғамбарларнинг ва уларнинг умматлари ҳаётлари билан обод бўлган. Шунинг учун ҳам пайғамбарлик ва пайғамбарлар ҳақидаги ҳақиқатни билиб қўйишимиз лозим бўлади.

“Ислом тарихи” биринчи китоб